



ЎЗБЕКИСТОН – БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ: КЎП ҚИРРАЛИ АЛОҚАЛАР БАРҚАРОР ВА ЖАДАЛ РИВОЖЛАНИБ БОРМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаённинг таклифига биноан 30 ноябрь — 2 декабрь кунлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Иқлим ўзгариши масалалари бўйича конференциясида иштирок этиш учун ушбу мамлакатда бўлди.



Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Дубай шаҳрига ташрифи давомида 2 декабрь кун Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён билан учрашув ўтказди.

Учрашувда Амирликлар томонидан Вице-президент Шайх Мансур Ол Наҳаён, Бош вазир ўринбосари, ички ишлар вазири Шайх Сайф Ол Наҳаён, энергетика ва инфратузилма вазири Суҳайл ал-Мазруий, саноат ва илғор технологиялар вазири, COP28 саммити президенти Султон Аҳмад ал-Жобир ҳам қатнашди.

Суҳбат аввалида Президентимиз Амирликлар етакчиси ва дўст халқини Миллий байрами билан самимий табриклади ҳамда иқлим ўзгариши бўйича глобал саммит муваффақиятли ташкил этилгани билан қутлади.

Икки томонлама муносабатларнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди. Ўзбекистон билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги кўп қиррали алоқалар барқарор ва жадал ривожланиб бораётгани катта мамнуният билан қайд этилди.

Йил бошидан буён товар айирбошлаш 30 фоизга ошди, қўшма корхоналар ва тўғридан-тўғри авиақатновлар сони кўпаймоқда. Икки мамлакат етакчи компаниялари иштирокидаги қўшма лойиҳалар портфели 4 миллиард долларни ташкил этмоқда.

Фаол мулоқотни давом эттириш ва бўлажак олий даражадаги тadbирларга пухта тайёргарлик кўриш муҳим экани таъкидланди.

Ўзбекистон Президенти ташрифининг ишбилармонлик тadbирлари доирасида Бирлашган Араб Амирликлари инвестиция вазири, “ADQ” холдинги бош ижрочи директори Муҳаммад Ҳасан ал-Сувайдий бошчилигидаги делегацияни, “Amea Power” компанияси раиси Хусайн Ал-Новайсни, “SWS” компанияси бош ижрочи директори Аҳмад Ал-Шамсийни, “Air Products” компанияси бошқаруви раиси Сейфи Гасемини, “Tadweer” компанияси бош ижрочи ва бошқарувчи директори Али ал-Даҳерийни қабул қилди.

Бирлашган Араб Амирликлари инвестиция вазири, “ADQ” холдинги бош ижрочи директори Муҳаммад Ҳасан ал-Сувайдий бошчилигидаги делегация билан учрашувда “TAQA” компанияси раҳбари Жасим Хусайн Табет ва “Masdar” компанияси раҳбари Муҳаммад Жамил ал-Рамаҳий ҳам қатнашди.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликдаги қўшма лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва илгари суриш масалалари кўриб чиқилди.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқларида шериклик жадал ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Энергетика секторидаги ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда. Ташриф доирасида бу йўналишда “Masdar” компанияси билан Стратегик шериклик тўғрисида битим имзоланди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари “Masdar” бош ижрочи директори Муҳаммад Жамил ал-Рамаҳийга кўп қиррали Ўзбекистон — БАА муносабатлари ривожига қўшган шахсий ҳиссаси учун Ўзбекистон Республикаси-нинг юксак давлат мукофоти — “Дўстлик” орденини топширди.

“Amea Power” компанияси раиси Хусайн Ал-Новайс билан учрашувда мамлакатимизда, энг аввало, “яшил” энергетика ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш соҳаларида қўшма инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Компаниянинг Ўзбекистонда фаолият юритиш борасидаги режалари қўллаб-қувватланди.

“SWS” компанияси бош ижрочи директори Аҳмад Ал-Шамсий билан учрашувда компаниянинг Ўзбекистон ҳудудларида сув таъминоти ва сувни тозалаш йўналишларидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва амалга ошириш, бунда халқаро шерикларни, шу жумладан, Франциянинг “SUEZ” ва Япониянинг “Marubeni” компанияларини жалб қилиш борасидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

“Air Products” компанияси бошқаруви раиси Сейфи Гасеми билан учрашувда ҳамкорликни, энг аввало, юқори технологик тармоқларда янада кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари мамнуният билан қайд этилди.

Давлатимиз раҳбарига жорий лойиҳаларнинг бориши ва янгиларига тайёргарлик ҳолати тақдимот қилинди.

“Tadweer” компанияси бош ижрочи ва бошқарувчи директори Али ал-Даҳерий билан учрашувда амирликлар компаниясининг Ўзбекистонда электр энергиясини ишлаб чиқариш лойиҳаларини амалга ошириш, бунда илғор технологик ечимларни жорий қилиш режалари кўриб чиқилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.



ВОДОРОД ЭНЕРГЕТИКАСИ

ЎХШАШИ ЙЎҚ КЕЛАЖАК ЛОЙИҲАСИ

Ўтган ҳафтада мамлакатимизнинг муқобил энергияни ривожлантириш соҳасида тарихий воқеа рўй берди. Президентимиз Чирчик шаҳрида “яшил” водород ишлаб чиқариб, уни чуқур қайта ишлаш асосида экологик тоза маҳсулотга айлантирувчи корхона қурилишига старт берди.



Унинг ишга тушиши дунёда биринчилардан бўлиб “яшил” водороддан минерал ўғитлар ишлаб чиқаришига ва юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотларни дунё бозорларига йўналтириш имкониятини яратди.

Президентимиз Чирчикда Саудия Арабистонининг “ACWA Power” компанияси иштирокида қурилиши бошланган корхонани “минтақада ўхшаши йўқ келажак лойиҳаси” деб атади.

“Мазкур пилот лойиҳа доирасида республикаимизда йилга 3 минг тонна водород ишлаб чиқарилади ва 52 мегаватт шамол станцияси фаолият бошлайди. Бунда Хитойнинг етакчи “LONGi” компаниясининг замонавий технологиялари асосида дунёда биринчилардан бўлиб, “яшил” водороддан минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга эришамиз. Ушбу лойиҳа мамлакатимизнинг инвестиция ва экспорт салоҳиятини янада ошириш учун қўшимча захира яратди”, деди давлатимиз раҳбари.

Давоми 3-бетда



8 ДЕКАБРЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ

Ишбилармонлар ва инвесторлар бош қонунимизга шундай қарамоқда



Бу йилги Конституция куни байрамимиз олдингиларидан шуқуқ борасида ҳам, мазмун-моҳият нуқтаи назаридан ҳам тубдан фарқ қилади. Сабаби халқимиз муаллифлигида тайёрланган янги тахрирдаги Конституция 2023 йил 30 апрелда ўтказилган референдумда умумхалқ овоз бериш йўли орқали қабул қилинди.

Конституциянинг янгиланиш жараёнида ҳаётимизнинг барча соҳаларини қамраб олгани ҳақида ортиқча гап-ришга эhtiёж йўқ. Иқтисодчи сифатида Бош қонунимизда аксини толган баъзи иқтисодий масалалар ҳақида қисқача тўхталмоқчиман.

Янги тахрирдаги Конституциямизда асосий ўринлардан бирини жамиятнинг иқтисодий негизларини белгилайдиган қоидалар эгаллайди. Унда мамлакат иқтисодиётининг асосини хилма-хил мулк шакллари ташкил этиши, барча мулк шакллари тенг ҳуқуқлилиги ва ҳимоя қилиниши, хусусий мулк дахлсизлиги масалалари муҳрлаб қўйилган. Гап шундаки, мулк — иқтисодий ресурслар ва истеъмол предметларини ўзлаштириш шакли ҳамда бу жараёнда иқтисодий фаолият субъектлари ўртасидаги муносабат. Мулк субъектлари мулк объектларига эга кишилар ёки кишилар гуруҳи ва давлатдир.

Давоми 4-бетда



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



НУКТАИ НАЗАР

СУВ – БЕБАҲО НЕЪМАТ

уни ортиқча ишлатиш дарё бўйида ҳам исрофдир

Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раисининг
биринчи ўринбосари

Аллоҳ таоло Ерни яшашга қулай қилиб яратиб, унда сув оқизиб, турли ўт-ўлан, дов-дарактлар ўстириб қўйди. Сув Роббимизнинг улкан неъматидир. Рангсиз, таъмсиз, ҳидсиз суяқлик танамизни тетиклаштиради, либосларимизни поклайди, ташналигимизни қондиради, ҳаётимизнинг давом этишига сабаб бўлади. Бежиз сув обихаёт (хаёт суви) дейилмайди.

Яқинда Президентимиз Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғида фаоллар билан ўтказилган йиғилишда бугунги кунда дунё бўйича катта муаммага айланаётган сув масаласига алоҳида тўхталиб: “Сув — текин эмас”, деган ғояни аҳолига чуқур синдириш, уни маҳалла фаоллари, нурунийлар, зиёлийлар ва кенг жамоатчилик билан бирга қўндалик турмуш қоида­сига айлантириш асосий вазифа бўлиши лозим”, деди.

Дарҳақиқат, инсон таомсиз бирикки ҳафтагача яшashi мумкин, аммо сувсиз уч кун ҳам чидай олмайди. Одам танасидаги сув ўн беш фоиз камайса, у ҳалок бўлади. Мутахассислар фикрича, инсон танасининг аксар қисми сувдан иборат. Масалан, қақалоқ оғирлигининг етмиш беш фоизини сув ташкил этади.

Сув — инсоннинг ҳаёт кечирishi учун асосий қувват манбаи. Бунга яна одамнинг пок­ланиши ва бошқа мақсадларда ишлатадиган сув ҳам қўшилса, унинг қанчалик зарур ва бебаҳо неъмат экани ойдинлашади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай марҳамат қилади: “...**ва барча тирки мавжудотни сувдан (пайдо) қилганимизни қўрмадиларми?!**” (“Анбиё” сураси, 30-оят).

Тоза ичимлик суви эҳтиёждан ташқари ишлатиш ва беҳуда оқизиб қўйиш каби ҳолатлар учраётгани ўта ачинарли ҳолдир. Айрим давлатларда тоза ичимлик сув олтинга тенг бўлиб турган, минглаб кишилар, ёш гўдаклар ичимлик сув танқислигидан азийат чекаётган бир шароитда биз Аллоҳ ато этган шундай буюк неъматнинг қадрига етмаслигимиз ношукрликдан бўлак нарса эмас.

Ҳозирги вақтда жами 470 миллион одам сув тақчиллиги кескинлашган минтақаларда, 2,4 миллиард киши эса

сув тозалаш қурилмалари ва дренаж тизими орзулигича қолаётган ўлкаларда яшайди. Сифатли ичимлик сув етишмаслигидан жаҳонда йилга миллионлаб инсон касалланиб, нобуд бўлмоқда.

Аллоҳ таоло барча нарсаларни бир-бирига узвий боғлиқ ҳолда ўзига хос ўлчови ва ҳисоби билан яратган. Бу борада Қуръони каримда бундай дейилади: “**Биз осмондан ҳисоби билан ёмғир сувларини ёғдириб, Ерға ўрнаштирдик. Биз бу сувларни кетказиб, сизларни ундан маҳрум қилиб қўйишга ҳам қодирмиз**” (“Мўминун” сураси, 17-оят).

Бу оят қарималар орқали Ҳақ таоло бизга Ер юзидаги барча нарсалар, жумладан, сув ҳам Ўзининг муайян ҳисоби ва ўлчови билан яратилганини маълум қилади. Шундай экан, сувни исроф қилишга асло йўқ қўймаслигимиз зарур.

Бугунги кунда мусулмонлар орасида Аллоҳ таоло ато этган турли неъматлар қатори сувни ҳам исроф қилаётган, унга бепарво муносабатда бўлаётганлар борлиги ачинарли ҳол. Ҳаётимиз учун энг зарур неъмат бўлган сув исрофи ҳаммасидан ошиб тушяпти.

Сувнинг исроф бўлишига йўл қўймай, уни тежаб ишлатайлик. Фарзандларимизга ҳам сувни исроф қилмасликни ўргатайлик. Бу барчамизнинг бурч ва вазифамиз эканини асло унутмайлик. Ҳозир жаҳонда ичимлик сув муаммоси ўта долзарб бўлиб турибди. Айни пайтда дунёда бир миллиарддан ортиқ киши тоза ичимлик сувга муҳтож.

Сувни тежаш ҳақида ҳадиси шарифда бундай келади: Абдуллоҳ ибн Амр розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам саҳобалардан Саъд розиялло-



ху анху таҳорат қилаётганларида: “**Эй Саъд, бу исроф нимаси?!**”, дедилар. Саъд розияллоху анху: “Таҳоратда ҳам исроф қилиш борми?”, деди. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам: “**Ҳа, агарчи оқиб турган дарёнинг бўйида турган бўлсанг ҳам**”, дедилар (Имом Аҳмад ва Имом ибн Можар ривояти).

Таҳоратда ортиқча сув ишлатиш исроф ва мумкин бўлмагандан кейин қолган нарсаларни қиёслаб олаверинг. Экинга ҳам эҳтиёждан ортинги ишлатиш исрофдир.

Сўнгги йилларда теваарат атроф, ер, сув ва ҳавода сезиларли ифлосланиш кузатишмоқда. Бунинг олдини олиш, табиатни муҳофаза қилиб, соғлом авлод учун курашиш эса барчамизнинг бурчимиздир.

Дунёда ичишга яроқли сув захираси жуда оз. Денгиз ва уммонлар суви шўр. Чўчук сув, асосан, тоғдаги музликларда жамланган. Ундан кейин дарё ва кўллар суви ҳам чуққудир. У қайта ишланиб, аҳолига етказилади.

Аммо ҳамма давлатларда ҳам бундай эмас. Ичимлик сув танқислигидан қийналаётган кўплаб мамлакатлар бор. Буларнинг асосий қисми Африка қитъасига тўғри келади. Ёгингарчилик, сув ҳавзалари камлиги каби омиллар бунга сабаб бўлган.

Аллоҳга беҳисоб шукрки, юртимизда ичимлик сув борасида бундай муаммолар йўқ. Бироқ соҳа мутахассислари яқин келажақда бизда ҳам кузатилиши мумкинлигини айтмоқда. Юртимизда сув миқдори ўлчовлидир. Банда неъ-

матнинг қадрига етса, шукр қилса, ўша неъмат зиёда қилиб берилади. Бордию ношукрлик қилиб, исрофга йўл қўйса, неъмат тортиб олинади ва ўрнига азоб келади.

Афсуски, сувни исроф қилиш ҳолларига тез-тез гувоҳ бўлиб қоляпмиз. Жўмраги бўзилган сув қувурларидан тоза ичимлик сув шариллаб оқиб ётади. Ўша сувдан ичадиган аҳоли вакилларида бирортаси: “Кел, шу жўмракни тузаттириб қўй! Ахир бу сувдан ўзимиз ичамиз-ку! Шунча сув исроф бўлиб оқиб ётмасин. Бу исрофнинг ҳам сўроғи бор”, деб ўйлаб кўрмай, ўша қувур ёнидан бепарварларча ўтиб кетаверади.

Сув шариллаб оқиши у ёқда турсин, ҳатто томчилаб оқиб турса ҳам исрофдир. Чунки шу томчилар жамланса, катта миқдорда сув исроф бўлаётгани ойдинлашади.

Дунёнинг айрим жойларида инсонлар зарарли микробларга тўла, дизбактериоз, диарея ва бошқа захарланиш кўринишларига олиб келадиган сув ичмоқда. Шуларни ўйлаб, ичадиган мусасффо, пок сувимиз учун Роббимизга кўп-кўп шукрлар қилайлик!

Аллоҳга ҳамд айтиш, неъматларнинг шукрини адо этиш банда учун ҳам ибодат, ҳам катта мукофотдир. Анас ибн Молик розияллоху анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам бундай марҳамат қиладилар: “**Аллоҳ таоло бандга каттаму, кичикми бир неъмат берса ва банда унинг шукронаси учун: “Аллоҳга ҳамд бўлсин” деса, ўша неъматдан ҳам афзалроқ нарсага эришган бўлади**” (Имом ибн Можар ривояти).

Оламлар Роббиси бизга ато қилаётган чуқук сув неъматига ҳақида бундай марҳамат қилган: “**Ўзингиз ичадиган сувни йўлаб кўринг-а! Уни булутлардан сиз туширасизми ёки Биз тушурувчимизми? Агар хоҳласанг, Биз уни шўр қилиб қўямиз. Шукр қилсангиз-чи!**” (“Воқеа” сураси, 68-70-оятлар).

Аллоҳ таолога берган барча неъматлари қатори истаганимиздек сув ичиш имконини бергани учун ҳам кўпроқ шукр қилайлик! Шунда бу неъмат янада зиёда бўлади!



ИНСОН ҚАДРИ УЧУН

ФАРОВОНЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ

**Беҳзод РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
Самарқанд вилояти ҳокимлиги
ташкилий-кадрлар гуруҳи раҳбари

Конституциямизни янги таҳрирда қабул қилиш зарурати юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини самарали таъминлаш мақсади асосида юзга келди. Шу боис, унда “Инсон қадри учун” ғояси ўстувор йўналиш сифатида белгиланди. Илгари амал қилиб келган “давлат — жамият — инсон” тамойилини “инсон — жамият — давлат” деб ўзгартириш, ижтимоий давлат қуришдек янги стратегик мақсад белгилаб берилди.

Ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари жорий этилди. Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг мутлақо янги механизмларини назарда тутувчи конституциявий асослар мустаҳкамланди.

Ижтимоий давлат ҳар бир фуқаронинг муносиби турмуш сифати ва даражасига эришиш, ижтимоий тафовутларни юмшатиш ва муҳтожларга ёрдам бериш учун ижтимоий адолат тамойилларига мувофиқ моддий бойликларни адолатли тақсимлашга қаратилган давлат моделидир.

Конституциямизда “Ижтимоий давлат” тушунчаси мустаҳкамланиши давлатнинг ижтимоий тенглик, ижтимоий адолат ва ҳимоя принциплари асосида халқчил бошқарув тизимига асосланишидан далолат беради. Унга кўра, давлат аҳолини ишсизликдан ҳимоялаш, қароқатланган сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ижтимоий табақалашган жамиятда ҳам кескин тафовутлашувнинг олдини олишга қаратилган профилактик асосий вазифаларни бажаради.

Давлат органлари ва таъкилотлари фаолиятининг янада очиклигини таъминлаш, бошқарув қарорлари қабул қилинишини сифат жиҳатидан янги даражага олиб чиқишда айнан фуқаролик жамияти институтлари муҳим аҳамият касб этади. Институционал ислохотларимизнинг самараси ижтимоий фикрларда намоён бўлади.

Бош қонунимизда “Фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, жамоат бирлашмалари ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот

воситалари фуқаролик жамиятининг асосини ташкил этади. Фуқаролик жамияти институтларининг фаолияти қонунга мувофиқ амалга оширилади”, деган норма мустаҳкамланди. Унда “фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш чоратадбирларини амалга ошириш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда ижтимоий шериклик дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда уларнинг иштирок этишини таъминлаш” ҳукуматнинг энг муҳим вазифаларидан бири экани қайд этилиб, ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштироки ва таъсирчан ролини ошириш белгиланган.

Бу эса биз давлатчилигимизни ривожлантиришда фуқаролик жамияти институтидан кенг миқёсда фойдаланишимиз учун мустаҳкам асос яратди.

Янги Ўзбекистонда кечаётган кенг қўлмали ислохотларнинг бош мақсади инсон, халқ, миллат ва жамият фаровонлигига қаратилгани билан муҳимдир. Айни шу мақсадларга эришишда янги таҳрирдаги Конституциямиз бизга таянч вазифасини бажаради.

Юртимизнинг ҳар бир фуқароси қўндалик ҳаётида ҳақ-ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилишда Бош қонунимиздан куч қувват олиб ҳаракат қилиши, унга таяниши, ҳуқуқий ва иқтисодий онгини юксалтириб, фаровон ҳаётни барпо этишда камарбаста бўлиши лозим.



МУНОСАБАТ



Пойтахтимизда БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро ҳамкорлик бўйича II глобал форум бўлиб ўтди. Форум мамлакатларнинг ривожланиш мақсадлари йўлида эришган натижаларини халқаро ҳамжамятга етказиш, ўзаро таъриба алмашиш, зарур тавсиялар ишлаб чиқиш ва ташаббусларни илгари суришда муҳим мулоқот майдони бўлиб хизмат қилмоқда. Халқаро анжуманининг иккинчи бор юртимизда ўтгани эса мамлакатимизда “Инсон қадри учун” эзгу ғояси асосида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, барқарор ривожланиш мақсадлари йўлидаги саяё-ҳаракатларимизнинг халқаро миқёсдаги юксак эътирофидир. Биз тadbирда иштирок этган айрим хорижий ва миллий экспертларнинг фикрлари билан қизиқдик.

Рейчел Вестон ЭШЕНБАШЕР,
“БМТ-Аёллар” ташкилотининг Европа ва Марказий Осиё бўйича минтақавий бюроси сиёсий иштирок ва етакчилик бўйича мутахассиси:

— Ўзбекистонда ташкил этилган глобал форум парламентлар Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда қандай ҳисса қўиши мумкинлигини таҳлил қилиш имконини беради. “БМТ-Аёллар” ташкилоти мутахассиси сифатида мен яна бир бор эътиборни гендер тенгликни таъминлаш муҳимлигига қаратмоқчиман. Буни БРМни амалга оширишнинг асосий нуқталаридан бири деб ҳисоблайман. Гендер тенгликни таъминлаш бизга зарур ўзгаришларга эришиш имконини беради.

Унутмаслигимиз керакки, парламентлар одамлар, фуқаролик жамияти ва сайланган мансабдор шахсларнинг овозини эшитишда, мавжуд муаммоларни, жумладан, айрим БРМни аниқлашда, ҳақиқатан, муҳим роль ўйнайди.

Биз турли давлатларнинг ёндашувларини қандай бирлаштириш ва охир-



Биз турли давлатларнинг ёндашувларини қандай бирлаштириш ва умум-оқибат дунёдаги тараққиётни баҳолаш учун ҳимоя қўлаткичлардан фойдаланишимиз мумкинлиги ҳақидаги тасаввурларимиз билан ўртоқлашдик. Ўзбекистон парламенти БРМни илгари суришда етакчилик қилаётгани бизда катта таассурот қолдирди.

Беҳзод ТЎХТАМУРОВОД,
Олий Мажлис Сенати
хузуридаги Ёшлар
парламенти раиси:

— БМТ Барқарор ривожланиш мақсадларининг барча йўналишлари бутун инсоният қаторида ёшлар ҳаёти ва фаолиятига ҳам муҳим ўрин тутади. Шу боис, унинг рўёбга чиқиши, аввало, ёш авлоднинг фаровон ҳаёти кафолатидир. Бугунги кунда мамлакатимизда кечаётган ислохотлар ҳам айнан ана шу глобал мақсадлар билан ҳамоҳанг экани қувонarliдир. Хусусан, сўнгги йилларда юртимизда таълим соҳасида муҳим ўзгаришлар рўй берди.

Натижада ёшларнинг замонавий андозалар даражасида таълим олиши, ўзи танлаган касбнинг



малакали мутахассиси бўлиб етишishi, хорижий тилларни ва рақамли технологияларни мукаммал ўзлаштириши имконияти кенгайди. Бу эса йигит-қизларнинг етук



Умумий мақсадимиз — барча давлатлар парламентларига қўмаклашиш. Токи улар нафақат тегишли қонунларни яратишда, балки Барқарор ривожланиш мақсадлари амалга оширилишини назорат қилишда ҳам ўз вазифасини тўлақонли бажарсин.

Консуэло Видал БРЮС,
БМТнинг Ўзбекистондаги
доимий координатори
вазифасини бажарувчи:

— Мен БМТ вакили сифатида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлараро ҳамкорлик бўйича халқаро глобал форумга ўз ҳиссамни қўиши имкониятига эга бўлганимдан жуда мамнунман. Чунки БМР БМТ учун муҳим кун тартиби ҳисобланади. Бу борада барча давлатларни қўллаб-қувватлашимизни алоҳида таъкидламоқчиман. Ўзбекистон ҳам жаҳон, ҳам миллий миқёсда Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш учун барча имкониятларини сафарбар қилмоқда.

Умумий мақсадимиз — барча давлатлар парламентларига қўмаклашиш.



Токи улар нафақат тегишли қонунларни яратишда, балки Барқарор ривожланиш мақсадлари амалга оширилишини назорат қилишда ҳам ўз вазифасини тўлақонли бажарсин.

макон” умуммиллий лойиҳаси бу борада барчамизни жипслаштирмақда. Ушбу ташаббусни рўёбга чиқаришга биз ҳам ўз ҳиссамизни қўшмоқдамиз. Шу мақсадда қатор умумтаълим мактабларида ёшлар парламенти боғларини яратишга киришдик. Бундан ташқари, тенгдошларимиз ўртасида стартап лойиҳаларни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратяпмиз. Мақсадимиз ёшларнинг жамиятимиздаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда фаоллигини янада ошириш, ғоя ва ташаббусларини рўёбга чиқаришга қўмаклашиш. Глобал форум бу борада илғор таърибаларни ўрганиш ва оммалаштиришда ўзига хос имконият бўлди.

Баҳор ХИДИРОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи

Бошланиши 1-бетда

“Ўзимёсанот” АЖ ахборот хизмати маълумотига кўра, қиймати 88 миллион АҚШ долларини ташкил қиладиган мазкур лойиҳа доирасида биринчи босқичда 2025 йилда юқорида келтирилган кўрсаткичларга эришилади, иккинчи босқичда эса 500 минг тонна “яшил” аммиак ва 2,4 ГВт шомол турбиналари ишга туширилади.

Лойиҳадан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизга кимё соҳасидаги энг охириги инновацион ва энергия тежамкор технологияларни жалб этиш, шу орқали кимё саноати соҳасини декарбонизация қилиш ва “яшил” технологияларга ўтиш, ўғит ишлаб чиқаришда табиий газдан фойдаланишни қисқартириш ва ҳар йили қарийб 33 миллион куб метр табиий газни иқтисод қилиш, ушбу технологияларни амалда сынаб кўрган ва уларни ишла- та олиш кўникмасига эга мутахассислар базасини шакллантиришдан иборатдир.

Ўзбекистон энергетика вазири Жўрабек Мирзамахмудовнинг таъкидлашича, ҳозирги кунда жуда кўп давлатлар бу йўналишда ғоя, фикр, ташаббус билдир- ган, аммо амалий иш ҳозирча фақат икки давлатда олиб бориляпти.

Бири Саудия Арабистонида бўлса, иккинчиси Ўзбекистонда бошланди. Маз- кур лойиҳанинг мамлакатимизда старт олаётгани, энг аввало, “яшил” энергия ҳисобидан водород ишлаб чиқариш им- кониятини беради, водороддан аммиак оли- нади. Ҳозирги кунда “яшил” энерге- тика, “яшил” водород ҳисобидан олин- ган ўғитларнинг дунё бозоридagi нархи оддийларига қараганда камида 15-20 фоиз қиймат. Бу янги экспорт бозорлари- да кўшимча қиймат ва табиий газни ҳам тежаш имконияти, дегани.

Президентимиз Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг шу йил 14 сентябрь куни Душанбеда бўлиб ўтган бешинчи маслаҳат учрашувида энергия манбаларини диверсификация қилмас- дан, муқобил энергетика соҳасига инвес- тия ва технологияларни жалб этмас- дан, “яшил” водород ишлаб чиқаришни йўлга қўймасдан туриб минтақани бар- қарор ривожлантириш мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз, деган эди.



Шу йилнинг 14 ноябрь куни эса Бо- куда қайта тикланувчи энергияни, жум- ладан, “яшил” водородни Европада экспорт қилиш лойиҳасини амалга оши- риш истиқболлари муҳокама қилинди. Тегишли вазирларнинг уч томонлама

йиғилишида қўшма баёнот имзолади. Унда қайта тикланадиган энергия со- ҳасида мамлакатларнинг салоҳияти ва Европада муқобил манбалардан олин- ган электр энергиясини экспорт қилиш лойиҳасига қўшилишга тайёрлик қайд этилди.

Ўзбекистон инвестициялар, саноат ва савдо вазири Лазиз Қудратов “Яшил” электр узатиш лойиҳасини ишлаб чиқиш иқтисодиётимиз ва энергетика тизим- лари ўртасидаги алоқаларни мустах- камлаш, шунингдек, миллий энергетика саноатини ривожлантиришга имкон бе- ради ва биз ушбу ташаббусни муваффа- қиятли амалга ошириш бўйича биргалик- даги ишларга ҳисса қўшишга тайёرمىз”, деди.

Иштирокчилар қайта тикланадиган энергия манбалари, “яшил” водород ва “яшил” аммиак ишлаб чиқариш, экспорт қилиш имкониятлари ҳамда тегишли инф- ратузилмани яратиш, энергия алмаши- нуви соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича техник вазифани ишлаб чиқишга масъул қўшма ишчи гуруҳ тузишга келишиб олди. Ишлаб чиқилган ва тасдиқланган техник топшириқлар асосида дастлабки техник- иқтисодий асосни тайёрлаш учун тендер эълон қилинади. Иштирокчилар, шунинг- дек, лойиҳани амалга ошириш учун қўш- ма корхона яратиш истиқболларини ўрга- ниб чиқишга келишиб олди.

Уч давлат тегишли вазирликларининг мазкур келишуви хориж ОАВда таҳлил этилар экан, бу мамлакатларда ҳали “яшил” водород ва “яшил” аммиак ишлаб чиқиш йўлга қўйилмаган бўлса, қандай қилиб уларни четга чиқариш, яна дег, Европада экспорт қилиш бўйича кели- шувлар имзолаётган, дея таажжублан- ганлар ҳам бўлди.

Чирчик шаҳрида “яшил” водород иш- лаб чиқариб, уни чуқур қайта ишлаш асосида экологик тоза маҳсулотга ай- лантирувчи корхона қурилишига старт берилиши бу каби саволларга амалий жавоб бўлди.

Водород ҳақида мухтасар тушунча

Водород ўзи нима, табиатда қандай ўрин тутади, “яшил” водород қандай ҳосил қилинади, деган саволлар кўпчи- ликни қизиқтириши табиий. Шу боис, бу хусусда илмий адабиётлар асосида мух- тасар маълумотларга эга бўлиш фойда- дан холи бўлмайди.

Кимёвий элементлар даврий жадвал- ланинг биринчи гуруҳига мансуб элемент бўлган водород (H₂) одатдаги шароитда рангсиз, ҳидсиз газ, таъми йўқ. Метал- ларга кислоталар таъсир эттирилганида ёнувчи газ ажралиши XVI ва XVII асрлар кимёгарлари асарларида кўп эслатила- ди. 1766 йилда инглиз кимёгари Г.Кавен- диш ажралаётган газни йиғиб текшириб, “алангаланувчи ҳаво” деб атади ва ана шу газ флогистон бўлса керак, деб ўй- лади. 1783 йилда француз тадқиқотчи- си А.Лавуазье сувни анализ ва синтез қилиш йўли билан унинг таркиби мурак- каб эканини исботлади. 1787 йилда эса “алангаланувчи газ”ни янги элемент деб таърифлади ва унга ҳозирги hydrogene (юнонча hudo — сув ва genpa — турди- раман) номини берди. Биз ишлатадиган “водород” сўзини 1824 йилда рус олими М.Соловьев таклиф қилган.

асосий қисмини ташкил этади. Бино- барин, водород атоми ядроси бошқа барча моддалар шаклланишига хизмат қилади. Ушбу шаклланиш жараёни тер- моядро реакцияси деб аталади. Мана



шу реакция юлдузларнинг ёқилғиси ҳи- собланади.


Термоядро реакцияси натижасида водород аввал гелийга, кейин карбонга, шундан сўнг кислородга, ундан силикон- га, шундан кейин олтингургуртга ва бошқа элементларга айланади.

Водород ерда энг кўп тарқалган би- рикма — сув (огирлиги бўйича 11,19

камайтириш орқали соф металл олиш учун ишлатилади. Хусусан, кимёвий жи- хатдан соф мис, вольфрам ва молибден ишлаб чиқариш учун юқори тоза водород талаб қилинади.



Бундан ташқари, радиотехника саноа- тда водороддан ярим ўтказгичли қурил- малар ишлаб чиқаришда фойдаланила- ди. Озиқ-овқат соҳасида водород суюқ, яъни ўсимлик молларини гидрогенлаш учун ишлатилади. Ёғларнинг тўйинма- ган ёғли кислоталари таркибидagi қўш боғларни қисман каталитик гидрогена- циялаш, кейинчалик маргарин, махсус ёғ



фоиз) ҳамда кўмир, нефть, табиий газ- лар, тупроқ, шунингдек, ҳайвон ва ўсим- лик организмлари (яъни оқсиллар, нук- леин кислоталар, ёғлар, углеводлар ва бошқалар) таркибидa учрайди.

Водород идеал энергия манбаи ва экологик тоза ёқилғи ҳисобланади. Унинг ёниш иссиқлик қуввати 1,17 Гж/ки- лограмм бўлиб, бу нефтникидан деярли уч баробар, табиий газникидан тўрт ба- робар юқори. У ёқилғи элементидa кис- лород билан қўшилиб сув ҳосил қиладиги ва электр энергияси ишлаб чиқаради.

Водороднинг ранги градацияси уни ишлаб чиқариш усуллари ва бир вақтнинг ўзида юзага келган заҳарли газ бoғлиқ. Саноатда энг “тоза” водород “яшил” ҳи- собланиб, сувни электролиз қилиш йўли билан олинади. “Ҳаворанг” ёки “кўк” во- дород табиий газдан ҳосил қилинади. Уни ишлаб чиқариш вақтида карбонат ангидрид олинади ва махсус жойларда сақланади. “Кулранг” водород ишлаб чи- қаришда эса карбонат ангидрид атмо- сферага йўлланади.

— Водород нафақат энергетика, бал- ки бошқа кўпгина соҳаларда ҳам муҳим хомашё сифатида қўлланилади, — дей- ди Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Инновацион рив- ожланиш агентлиги бош мутахассиси Шухрат Исаев. — Водороднинг асосий ис- тетьмогчиси кимё саноати бўлиб, бу ерда водород, асосан, аммиак ва метанол иш- лаб чиқариш, шунингдек, нефть кимёси саноати учун ишлатилади. Нефтни қай- та ишлашда унинг ёрдами билан турли нефть маҳсулотлари оптингургурт бирик- маларидан тозаланади. Қора ва рангли металлургияда водород турли технологик жараёнларда, масалан, сарфланган ката- лизаторлардан чиқадиган оксидларини

камайтириш орқали соф металл олиш учун ишлатилади.

Таҳлиллар кўрсатяптики, бир томон- дан Европада, шунингдек, Осиёда узоқ йиллар олиб борилган тадқиқотлар на-

бу жараёнда унинг таннархини кескин ту- шириш кўзда тутилган.

Таҳлиллар кўрсатяптики, бир томон- дан Европада, шунингдек, Осиёда узоқ йиллар олиб борилган тадқиқотлар на-



тижасида водородни қўллаш борасида хилма-хил технологиялар ишлаб чиқил- моқда. Бошқа томондан, ушбу техноло- гияларнинг аксарияти ўз моҳиятига кўра, экологик тоза бўлгани учун глобал иқлим исишига қарши кураш муҳотида уларга талаб кучаймоқда.

2018-2019 йилларда Австралия, Жанубий Корея, Хитой, Германия, Буюк Британия каби давлатлар, АҚШ- нинг айрим штатлари водород страте- гияларини ишлаб чиққан ва тасдиқла- ган. Германия 2018 йилда автомобилга водород қуядиган 180 та шохобча барпо этган ва қисқа муддатда улар сонини уч-тўрт баробар оширишни режалаштирган. Япониянинг водород дастурида 2030 йилга келиб 5,3 мил- лион дoна водородли ёқилғи элемен- тини фойдаланишга топшириш кўзда тутилган. Хитойда 2050 йилда жами ишлаб чиқариладиган электр энергия- си ҳажмининг 10 фоизи водород ҳи- сасига тўғри келиши белгиланган.

Халқаро экспертлар фикрича, 2050 йилгача жаҳон энергетикасидаги водо- род энергияси улуши 18 фоизни, аср сўнгига келиб 40 фоиздан кўпроқни ташкил этади. Ўз навбатида, Европа Иттифоқи “Водород йўлаги” (H₂ live) дасту- рини тасдиқлади ва унда 2030 йилга қадар уни ривожлантириш орқали атмо- сферага чиқариладиган карбонат анги- дрид миқдорини 95 фоизгача камайтириш режалаштирилган.

Ўзбекистоннинг мазкур соҳадаги имкониятлари

Иқтисодий тадқиқотлар ва ислохотлар маркази маълумотларига кўра, ҳозирги ресурслардан фойдаланиш тенденцияси сақланиб қолган тақдирда қазилма угле- водород заҳиралари 20-30 йилга етади. Шундай шароитда водород энергетика- си соҳасида илмий тадқиқотлар қилиш ва илмий кадрлар тайёрлашга етарли эътибор қаратилмагани, олий таълим муассасаларида бу йўналишда мута- хассислар тайёрлаш йўлга қўйилмагани ҳамда тармоқни ривожлантиришга оид узоқ муддатли дастур қабул қилилмагани ва тегишли норматив-ҳуқуқий база шакл- лантирилмагани ҳам унинг ривожлан- маётгани сабаблари сирасига киради.

Саноат ривожланиши ва аҳоли сони ўсиши эҳтиёжлар ошишига олиб кела- ди. Уни қондириш учун энергия ишлаб чиқариш қўлайтирилиши керак. Мутахас- сислар прогнозларига кўра, 2030 йилга бoриб Ўзбекистонда электр энергияси- га бўлган эҳтиёж қарийб 121 миллиард киловатт/соатни ташкил этади, ҳозир- ги пайтда эса 70 миллиард киловатт/ соатдан бир оз кўпроқ. Глобал исиш ва атроф-муҳит ифлосланиши инсоният олдига тиклаб бўлмайдиган жараёнлар бошланишига йўл қўймаслик вазифа- ларини қўймоқда.

Президентимизнинг 2021 йил 9 апрел- даги “Ўзбекистон Республикасида қайта тикланувчи ва водород энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тў- рсисида”ги қарорига кўра, Фанлар ака- демиясининг “Халқаро кўёш энергияси институти” МЧЖ негизидa Энергетика вазирлиги хузуридаги Қайта тикланувчи энергия манбалари миллий илмий-тад- қикот институти ташкил этилди. Унинг

тузилмасида Водород энергетикаси ил- мий-тадқиқот маркази ҳамда Қайта тик- ланувчи ва водород энергетикаси техно- логияларини синаш ва сертификатлаш лабораторияси фаолият юритмоқда.

Энергетика вазирлиги ва институт то- монидан қатор йўналишлар бўйича ил- мий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

— Энг аввало, “Air Products” (АҚШ) ва “ACWA Power” (Саудия Арабисто- ни) компаниялари билан ҳамкорликда водородда ишлашга мўлжалланган автосаноатни ривожлантириш, табиий газдан кўк водород олишда CO₂ чиқин- диларини ушлаб қолиш, уни табиий газ билан аралаштирган ҳолда чет элга экспорт қилиш имкониятини ўрганиш, саноатда водороддан фойдаланиш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқиш режалаштирилган, — дейди Қайта тик- ланувчи энергия манбалари миллий илмий-тадқиқот институти директори Азиз Алимухаммедов. — Умумий қий- мати 6 миллион доллар бўлган бу ло- йиҳалар ижроси 2022-2024 йиллар да- вoмида таъминланиши кўзда тутилган.

Иккинчидан, Ўзбекистон — Япония Ёшлар инновация маркази, Япониянинг Кюшу университети ва Карбон-нейтрал энергия тадқиқотлари халқаро институ- ти билан биргаликда тугалланган нефть қудқуларидан фойдаланган ҳолда водо- род ишлаб чиқариш, Ўзбекистон иқлими шароитида замонавий перовскит қўёш панелларини ривожлантириш, буғ электр- ролизи ва фотокаталитик асосда водород ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оши- риладиги. 2023-2028 йиллар давомида таж- рибавий асбоб-ускуналарни харид қилиш ва ўзбекистонлик ёш олимларни ўқитиш учун Япония томонидан 500 миллион йен (3,5 миллион доллар) ажратилади.

Яна бир йўналиш Инновацион рив- ожланиш агентлиги, АҚШ Халқаро та- рақиёт агентлиги (USAID) ва Делавер университети (АҚШ) билан ҳамкорликда Тошкент давлат техника университети- нинг ўқув жараёнларига “яшил” водород бўйича ўқув курси ташкил этилиши назар- да тутлади. Ҳозирга қадар ўқув қўлланма- лар ва дастурлар ишлаб чиқилиб, семи- нар ўтказилди.

Энергетика вазирлиги томонидан Жа- ҳон банки кўмагида соҳанинг норматив- ҳуқуқий базасини яратиш бўйича Буюк Британиянинг “АРУП” компанияси жалб қилинган. Ушбу лойиҳа доирасида во- дородни жорий қилиш бўйича ҳуқуқий ва меъёрий базани такомиллаштириш, стандартларни яратиш, газ қиймат зан- жир декарбонизацияси учун ўлчов, ҳи- собот ва текшириш (MRV) тизими кон- цепцияси ва мақсадларини белгиллаш, водородни сотиб олиш шартномасини (HRA) лойиҳалаш йўриқномасини ишлаб чиқиш каби ишлар амалга оширилади.

Инновацион ривожланиш агентлиги ахборот хизмати маълумотига кўра, водо- род энергетикаси технологиялари соҳа- сини ривожлантириш мақсадида водород соҳасида фаолият юритаётган ёш олим ва мутахассислар хорижнинг етакчи ил- мий муассасаларида стажировка ўташи молиялаштирилмоқда. 2021-2022 ўқув йилидан бошлаб Тошкент давлат техни- ка университетининг “Муқобил энергия манбалари (водород энергетикаси)” му- тахассислиги қабул квотаси оширилди ва 3-курсдан бошлаб шу мутахассисликнинг 10 таси “Водород энергетикаси” йўнали- шига ихтисослаштирилди.

2022 йил 25 май куни Вазирлар Маҳ- камаси вазирлик томонидан ишлаб чи- қилган Водород энергетикаси техноло- гиялари соҳасида водород олиш, сақлаш ва ташши технологияларини яратиш бў- йича илмий тадқиқот ишлари дастурини тасдиқлади. Дастурга мувофиқ, қўёшнинг муҳажаммашланган ёруғлиги оқимининг ис- сиқлиги таъсирида ва катализаторлар ёрдамида водород олиш технологияси яратилади ва унинг асосида 1700 дара- жача ҳароратда термoкимёвий усулда водород олиш қурилмасининг таъриба намунаси ишлаб чиқилади. Сувни электр- ролиз усулида парчалаб, водород газини ажратиб олиш жараёнида қўлланилади- ган маҳаллий хомашёдан катализатор турлари яратилади. Водород газини сақ- лашга мўлжалланган маҳаллий хомашё- дан фойдаланган ҳолда металлгидридлар намуналари тайёрланади ҳамда уларда сақланаётган водородни ажратиб олиш ва қўллаш технологияси устида иш олиб бoрилади. Аммиак ва водородли ёқилғи элементларидан фойдаланган ҳолда во- дород газида ҳаракатланувчи транспорт воситасининг таъриба намунаси ишлаб чиқилади. “Яшил” водород ёқилгисидан иссиқлик ва электр энергиясини олишга мўлжалланган таъриба-пилот қурилма тайёрланади.

Ҳозирги кунда мазкур лойиҳаларни жорий этиш бўйича илмий изланишлар ва амалий тадқиқот ишлари олиб борил- моқда.

ИФТИХОР

Ёши улуглар билан маслаҳатлашиб иш тутиш, иш бошлашдан олдин уларнинг дуосини олиш энг эзгу анъаналаримиздан. Бунинг маъно-моҳияти “Қари билганни пари билмас” нақлида ҳам яққол акс этган. Азалдан халқимиз кўплаб эзгу ишларида кўпни кўрган отахону онахонларнинг маслаҳатлари, тавсияларига таянади.

раҳбарининг шу йил 11 мартдаги “Кекса авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорида вилоят, туман ва шаҳарларда жамоатчилик асосида фаолият юритувчи Нурунийлар жамоатчиликлари кенгашлари, маҳаллаларда “Кексалар маслаҳати”

“**КЕКСА АВЛОД ВАКИЛЛАРИГА ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОР, ҒАМХЎРЛИК КЎРСАТИШНИНГ ИЗЧИЛ ВА ТИЗИМЛИЛИГИ, УЛАРНИ ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ, МОДДИЙ ВА МАЪНАВИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛГАНИ НАТИЖАСИДА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИ ОШИДИ ВА ТУРМУШ СИФАТИ ЯХШИЛАНДИ.**”



Нурунийларга эътибор халқчил сиёсатнинг узвий давоми



Рустам КАЛОНОВ, “Нуруний” жамғармаси Тошкент шаҳри кенгаши раиси, сенатор, Ўзбекистондаги хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ижтимоий адолат тамойили асосида аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини, нурунийларни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни бартараф этиш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Аслида, бу юртимиздаги халқларвар ишларнинг узвий давомидир. Бугунги кунда мамлакатимизда 3 миллиондан ортиқ нуруний истиқомат қилади. Уларнинг ҳар бирига ғамхўрлик қилиш, саломатлигини асраш алоҳида эътиборда.

Ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ҳар йили санаторийларда даволаниш, кам таъминланган нурунийларнинг дори-дармон ва ортопедия мосламалари, жарроҳлик амалиётлари харажатлари давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, кексаларнинг жисмоний машқлар билан шуғулланиши, театр ва музейларга бориши, диёримиз бўйлаб саёҳат қилиши учун енгилликлар белгилангани юртимизда инсон қадр ҳақиқатда ҳам юксалиб бораётганини аниқлатади. Дунё миқёсида давом этаётган зиддиятлар, пандемиядан кейинги мураккаб молиявий танглик шароитида кексалари, пенсионерлари ҳақида қайғуриш ҳар бир давлатнинг ҳам қўлидан келмайдиган. Бугун ҳатто Европанинг ривожланган давлатларида пенсияга чиқиб ёши узайтирилгани фикримизни исботлайди.

Давлатимиз раҳбари эса ўз лавозимидаги киришганининг илк давридан кекса авлод вакилларига алоҳида меҳр кўрсата бошлади. 2016 йил декабрь ойида “Кексалар, ногиронлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифалари учун ижтимоий хизматлар тўғрисида”ги қонун имзоланди.

Янги таҳрирдаги Конституциямизда ҳам нурунийларимиз ҳақ-ҳуқуқлари мустаҳкамлаб қўйилди. Хусусан, “Ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек, боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эгалиги, ҳужжатда белгиланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман белгиланган энг кам истемол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги”, “Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида” экани, “Воёга етган меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурлиги” белгиланди.

Бугун нурунийларимиз ижтимоий ҳаётда жуда фаол. Айниқса, маҳаллаларда уларнинг ўз ўрни, айтар сўзи ва сўзининг салмоғи бор. Уларнинг ҳаёт тажрибаси, рўзгор паст-баландини яхши билиши ёшлар учун мактаб вазифасини ўтайди. Шунинг учун давлатимиз



гуруҳлари ташкил этилиши кўзда тутилди. Қарорга кўра, вилоят ҳамда туман (шаҳар) ҳокимлари “Нуруний” жамғармаси бўлимлари Васийлик кенгашлари раиси этиб белгиланди, жамғарманинг вилоят, туман (шаҳар) бўлимлари раисларига эса ҳоким маслаҳатчиси мақоми берилди. Тошкент шаҳридаги маҳаллаларнинг барчасида “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари тузилди. “Бир нуруний ўн ёшга масъул” тамойилига мувофиқ, ёшлар ҳар бир маҳалладаги ҳаётий тажрибага эга, замонавий фикрлайдиган фаол нурунийларга бириктирилди.

Шунингдек, умумтаълим мактаблари, олий таълим муассасалари, мактабгача таълим ташкилоти маънавий-тарбиявий ишларига нурунийлар ёрдам берапти. Бу фаолларнинг таълим муассасаларида ўқувчиларнинг дарслардаги иштироки ва ўзлаштиришини ўрганипти. Шу асосда ўқитувчилар ва ота-оналарга зарур тавсия ва маслаҳатлар берилмоқда. Дарсларга сабабсиз қатнашмаётган ёшлар мунтазам дарс қолдирадиган, тарбияси оғир ёшлар билан уларнинг хонадонларига бориб, ота-оналари иштирокида суҳбатлар ўтказилди. Маҳаллалардаги ўрганишлар натижасида ажрашми ёқасига келиб қолган, ичкиликка берилган, оилавий келишмовчилик бўлган нотинч оилалар аниқланиб, уларнинг ҳар бирига “Кексалар маслаҳати” гуруҳининг бир нафардан аъзоси бириктирилди.

Маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш, ёшлар таълим-тарбиясига эътиборни кучайтириш, оилалардаги келишмовчилик ва бошқа нохуш ҳолатларнинг олдини олишда кексалар, урта ва ёш авлод вакиллари иштирокида ўтказилаётган “Уч авлод учрашувлари” ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Нурунийларнинг ёшлар билан ишлаш тажрибаларини ўрганиш ва кенг тарғиб этиш мақсадида “Бир нуруний ўн ёшга масъул” қўриқ-танловларини ўтказиш анъанага айланди.

Давлатимиз раҳбари қароридан нуруний ва фахрийлар, айниқса, ўзгалар парваришига муҳтож ёлғиз кексаларнинг муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш юзасидан ҳам вазифалар белгиланган. Шу асосда ижтимоий ҳимояга муҳтож нурунийларнинг рўйхатлари маҳаллабай тарзда шакллантирилди. Ўнлаб ёлғиз

кекса республикамизнинг турли санаторийларида “Нуруний” жамғармаси маблағлари ҳисобидан дам олиб, соғлигини тиклаб келди. Бундан ташқари, Тошкент шаҳри туманларида кексалар учун бепул тиббий қўриқлар ташкил этилди. Соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш мақсадида фахрийлар иштирокида спорт мусобақалари уюштирилди. Шунингдек, кексаларнинг республикамиз бўйлаб саёҳатларини ташкиллаштириш бўйича ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, йил бошидан буён “Нуруний” жамғармаси Тошкент шаҳри бўлими маблағлари ҳисобидан 800 га яқин нурунийнинг Бухоро, Самарқанд, Шахрисабз, Хива каби қадимий шаҳарларга, Тошкентнинг диққатга сазовор жойларига, Қозғонистоннинг Туркистон шаҳрига зиёратлари, саёҳатлари уюштирилди. Нуруний отахон ва онахонларимиз маданий ҳордиқ чиқариши учун театрларга ташрифлар ташкиллаштирилмоқда.

Тинчлик-осойишталик ҳукм сураётган юртимизда ёши улугларни эъзозлаш, давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини яхшилаш борасида комплекс чора-тадбирлар қўрилмоқда. Жумладан, соҳага оид 10 дан ортиқ қонун ҳужжати қабул қилинди, нурунийларнинг ижтимоий фаоллигини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Фахрий мураббий” ордени ва “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони таъсис этилди.

Кексалар учун “Нурунийлар маскани” мажмуалари ташкил этилди, барча ишловчи пенсионерларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш тартиби йўлга қўйилди. “Кексалар ҳафталиги” ва “Кексалар учун туризм ойлиғи”ни ўтказиш

анъанага айланди. Бунга жавобан фахрийларимиз жамият ҳаётида ўз фаолликлари билан ёшларга ибрат бўлишга ҳаракат қилмоқда. Ўз ҳаётий тажрибалари, қимматли маслаҳат ва ўғитлари, шахсий ибратлари билан барча соҳаларда амалий ёрдам кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 15 мартдаги “Нурунийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қароридан ҳам ибратли ишлари, қўп йиллик тажрибаларини амалга татиқ этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Қарорда нуруний отахон ва онахонларнинг айна кўнглидаги масалалар эътироф этилган ва бу муҳим ҳужжат кучимизга куч, ғайратимизга ғайрат қўйиш табиий.

Шахримизнинг ҳар бир маҳалласидаги нурунийлар орасида фидойи инсонлар бор, улар кўпчиликини ташкил этади. Буни маҳаллалардаги ободончилик, яратувчанлик ишларидаги иштирокида ҳам кўриш мумкин. Шахримизнинг ҳар бир масканида “Яшил макон” акцияси доирасида мевағи ва манзарали дархат кўчатлари экилиб, ҳудудларимиз яшиллиги таъминланмоқда.

“Нуруний” жамғармаси Тошкент шаҳри бўлими томонидан пойтахтимизда фахрийларимиз учун “Оталар чойхонаси”, “Уч авлод учрашуви”, “Бир пиёла чой устида” каби ўнлаб тадбирлар ўтказилди. Уларда ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этган нурунийларимиз, фахрийларимиз қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишони билан тақдирланганларга мукофотлар топширилди, санъат усталарининг чиқишлари ташкил этилди. 100 ёшга тўлган ва ундан ошган фахрийларни тугилган кунлари билан табриклаш, Ўқимчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш, спорт билан шуғулланидиган кексаларга уларнинг абонемент тўловлари, ёлғиз пенсионерларнинг даволаниши ва жарроҳлик амалиётлари учун кетадиган харажатлар қўллаб-қувватлаш каби қатор саъвоби ишлар учун 2022 йилда “Нуруний” жамғармасининг Тошкент шаҳри бўлими томонидан 1,814 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланган.

Кекса авлод вакилларига давлат ва жамият томонидан диққат-эътибор, ғамхўрлик кўрсатишнинг изчил ва тизимлилиги, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш янада кучайтирилгани натижасида аҳоли фаровонлиги ошди ва турмуш сифати яхшиланди.

Ота-боболаримиз, нуруний буви ва онахонларимиз бизнинг борлигимиз, бойлигимиз, давлатимиз. Қариялар қадр толган хонадон ва мустақил дийрда ҳамда меҳр-оқибат, кут-барака ҳамда тинчлик-хотиржамлик бўлади.

3 ДЕКАБРЬ — ХАЛҚАРО НОГИРОНЛАР КУНИ

ОНЛАЙН КУТУБХОНА ПЛАТФОРМАСИ КЎРИШ ҚОБИЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАНЛАР УЧУН ИМКОНИЯТ

Юртимизда ногиронлиги бор фуқаролар учун муносиб ҳаёт тарзини шакллантириш, инклюзив жамият барпо этиш кун тартибидаги масалалардан бирига айланган. Жумладан, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида ҳам ногиронлиги бўлган шахслар учун қўлай форматлардаги ахборот технологияларидан, имо-ишора тили ҳамда мулоқотнинг бошқа муқобил шаклларида фойдаланиш имкониятларини яратиш вазифаси белгиланган.

Тошкент шаҳридаги “SHAROIT PLUS” ногиронлар жамоат бирлашмаси ва Ёшлар ишлари агентлиги ҳамкорлигида заиф кўрувчи шахслар учун ишлаб чиқилган очик ва бепул аудиокитоблардан иборат дастлабки онлайн кутубхона — “Kitob Plus” лойиҳасининг гибрид форматдаги тақдимоти ана шу эзгу мақсад йўлидаги саъй-ҳаракатлардан.

Онлайн кутубхонадан ўзбек ва рус тилидаги турли адабиётлар, маълумот ва мақолалар ўрин олган. Бундан ташқари, спектрлардаги жонли мулоқот кўриш имконияти чекланган инсонлар учун қўлай форматда тақдим этилади. Контентни мунтазам янгиллаб бориш кўзда тутилган.

— Бугун кўриш имконияти чекланган шахслар учун кўплаб аудиокитоб платформалари мавжуд. Аммо уларнинг барчаси ҳам фойдаланиш учун тўлиқ имконият беролмасди. Аудиокитоб қидириб юрардик, — дейди Кўзи оқизлар жамияти

Чилонзор тумани бўлими раиси Музафар Пулатов. — Янги илованинг афзаллиги шундаки, исталган жойда мобил телефон орқали сайтдаги аудиокитобдан фойдаланиш, спектрлардан баҳраманд бўлиш мумкин. Гапирувчи тизим кўриш имконияти чекланганлар учун телефон ёки интернетдан фойдаланишда катта қўлайлик яратди.

Иловадаги барча элементлар муқобил матнга эга. Уларнинг устига курсор белгиси қўйилса, вазифаси нимадан иборатлигини махсус гапирувчи дастурлар тўлиқ ўқиб беради. Бошқариш ҳам жуда осон. Бу кўриш имконияти чекланганларга бадий адабиёт ва сахна асарларини қўлай ҳамда тўлиғича тақдим этишга хизмат қилади.

Лойиҳа раҳбари Мирали Ғиёсов аудиокитоблар тарихи, бугунги аудиокитоб эшитиш платформалари, кўриш бўйича ногиронлиги бўлганлар дуч келаётган муаммолар, махсус платформага эҳтиёж



ва “Kitob Plus” лойиҳаси ҳақида сўзларкан, жумладан, бундай деди:

— Брайль ёзуви кашф қилинганидан кейин кўриш бўйича ногиронлиги бўлганлар дастлаб брайль алифбосини, яъни буртма ёзувларни ўқиб савод чиқарган. Радио ва овоз ёзиб олиш усулларини яратилганидан кейин гапирувчи китоблар йўналиши юзага келди ҳамда кўриш имконияти чекланганлар учун аудиокитоблар тайёрлана бошланди. Бу дастлаб АҚШда, кейин собиқ иттифоқда анча ривожланди. Аудиокитобларнинг асосий талаботи кўзи оқизлар эди. Ҳозир бундай китоблар барча учун қўлай муталаа шаклига айланди. Азалдан мавжуд аудиокитоблардан фойдаланиш

кўришда муаммоси бўлганлар учун қўлай эмасди. Улар аудиокитобдан фойдаланиш учун кутубхонага бориши, китобни флешка ёки дискка ёздириб олиши, эшитиб бўлганидан сўнг янги китоб учун флешка ёки диск кўтариб яна кутубхонага бориши талаб этиларди. Кейинроқ эса ижтимоий тармоқлардаги турли саҳифалар, YouTube платформаларида ҳам тарқатила бошлади. Аммо бу ҳам масалага ечим бўла олмади. Чунки китоблар ҳар ерда ва тарқоқ ҳолатда эди. Ҳозир юртимизда аудиокитобларни тақдим этувчи қўллаб-қувватлаш мавжуд. Унда нега янги платформага эҳтиёж сезилди, аудиокитоб эшитиш учун бошқа дастурлар ҳам бор-ку, деган ҳақли савол пайдо бўлиши

мумкин. Тўғри, турли платформалар орқали аудиокитоб эшитиш мумкин. Бироқ улар кўзи оқизларга мослаштирилмаган. Ногиронлиги бор инсонлар гапирувчи дастурлардан фойдаланаётганда турли муаммоларга дуч келди. Қолаверса, ўзига қўлай бўлмаган дастурни ишлата олмаганини ҳам инкор этолмайдим. Улар керакли китобни қидириб топиб, ўқиб чиқолмасди. Брайль ёзувидаги китобларни чоп этиш жуда қийин ва қимматга туяндиган жараён. Шунинг учун кўриш борасида ногиронлиги бўлганлар янги чиқётган адабиётлардан ҳамма қатори баҳраманд бўлолмасди. Ечим сифатида ўзбек тилида нутқ синтезаторини ҳам яратдик. Бу орқали кўзи оқизлар компьютерда электрон китобларни бемалол ўқиши мумкин эди. Лекин бу ҳам масалага тўлиқ ечим бўлолмади. Шунда кўзи оқизларнинг мобил қўрилмасига махсус дастур ўрнатиш ҳамда ўзбек ва рус тилидаги аудиокитоб, радиоспектакллари шу иловага жойлаштириш устида ишладик.

Мазкур лойиҳа соҳада катта тажрибага эга россиялик дастурчи, “LOGOS” онлайн кутубхонаси бош директори Михаил Корнеев кўмағида яратилди. Экологизмага эга янги платформа телефондан эшитишни бошлаган аудиокитобингизни сайтда эшитишда давом этиш имконини беради. Эшитишда аудиокитобнинг тўхталган жойи эслаб қолинди. Исталган қўрилмадан кўриш китобни қолган жойидан тинглашингиз мумкин. Бу кўриш қобилияти чекланганлар учун катта қўлайлик.

— Айни пайтда ўзбек тилидаги қарий 600 га яқин аудиокитоб, 400 га яқин спектакль мавжуд, — дейди Мирали Ғиёсов. — Қолаверса, янги нашр этилаётган китоблар ҳам бор. Уларни овозлаштириш, платформани контент билан тўлдирш учун ҳолис ҳамкорлар ва ижтимоий

вазифаларни зиммасига олувчи бизнес вакиллари, давлат ташкилотлари кўмағига муҳтожмиз. Чунки платформани контент билан мунтазам тўлдириб бориш ва кўриш бўйича ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳар доим ҳамма билан тенг ахборот олиш имкониятига эга бўлишига эришиш — энг катта мақсадимиз.

Онлайн кутубхона ўзига хос дизайнга эга. Бу дизайнда учта асосий элемент бор: кутубхонанинг ўзи, китоб жавони ва профили соналмалари. Онлайн кутубхона тўрт асосий бўлимга бўлинади. Булар: китоблар, муаллифлар, суҳбатдон ва жанрлар.

— Исталган муаллифни танлаш имконияти яратилган, — дейди лойиҳа координатори Абдуллазиз Салимов. — Унинг асарлари тўлиғича чиқиб келади. Жанрни танлаб, унга тегишли барча китоб билан танишиш мумкин. Кейинги имконият жавон бўлиб, ундан жуда кўп китоб жой олган. Фойдаланувчи учун ҳар сафар ўзи истаган китобни қидириб топиш мураккаб бўлиши мумкин. Иловада “Китоб жавони” деган функция бор. Бу ўзимиз эшитиб, кўп мурожаат қилаётган китобларни мана шу жавонга қўйиш имкониятини беради. Хоҳлаган пайтими шу китобларга қайтишимиз мумкин.

Бугун юртимизда кўриш имконияти чекланганларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, ҳар бир жабада имконият яратиш, қолаверса, таълим, умуман, ижтимоий соҳада қўллаб-қувватлаш учун турли лойиҳалар тақдим этилмоқда. “Kitob Plus” ана шундай ажойиб лойиҳалардан бири бўлди. Янги платформа кўриш имконияти чекланганларга қўлайлик яратиш бариберида билим олиш ҳуқуқини ҳам таъминлайди.

Рисолат МАДИЕВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

